

Кўп сажда сени жаннатга киритгай (34-тавсия)



17:09 / 18.05.2017 8363

Суффа аҳлидан бўлган, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ходимлари Абу Фирос Робийъа ибн Каъб Асламий розияллоҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга тунаб қолар, у зотга таҳорат сувларини ва бошқа керакли нарсаларни олиб келар эдим. У зот менга: «**Сўра**», дедилар. «Жаннатда ҳамроҳингиз бўлишни сўрайман», дедим. «**Бундан бошқани эмасми?**» дедилар. «Шунинг ўзини», дедим. У зот: «**Унда бу борада кўп сажда қилиш билан менга ёрдамлаш**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Маъдан ибн Абу Талха Яъмарийдан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг мавлолари Савбонни учратиб қолиб, «Менга шундай амални [ёки Аллоҳга энг суюкли амални] айтгинки, уни қилсам, жаннатга кирайин», дедим. У индамади. Кейин яна сўрадим, индамади. Кейин учинчи марта сўрадим. У шундай деди: «Бу ҳақда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламдан сўраганман. У зот: «**Аллоҳга кўп сажда қилишинг керак, чунки Аллоҳга бир сажда қилсанг, Аллоҳ у туфайли сени бир даража кўтаради ва сендан бир хатони ўчиради**», деганлар». Кейин Абу Дардони учратиб қолиб, ундан ҳам сўраган эдим, худди Савбон менга айтган гапни айтди».

Муслим ривоят қилган.

Изоҳ: Бу ерда намоздаги сажда назарда тутилган. Айрим уламолар ушбу ҳадисларни далил қилишиб, қисқа қироат билан ўқилган кўп ракатли намоз узун қироат билан ўқилган оз ракатли намоздан афзал эканини айтишган.

Ушбу ҳадилардан олинадиган фойдалар:

1. Аҳли фазл кишиларнинг хизматида бўлиш фазилатли иш эканлиги.
2. Улуғ кишиларга таҳорат суви ва шунга ўхшаш ҳожатлари тушиб турадиган нарсаларни муҳайё қилиб туриш кичикларнинг вазифаси эканлиги.
3. Аҳли фазл кишилар ўзларини рози қилган атбоъларига мурувват этиб туришлари.
4. Сўраганда охират саодатини сўраш кераклиги.
5. Бир нарсани сўраган кишидан: «Бундан бошқани эмасми?» деб сўраш жоизлиги.
6. Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам амал қилмаган одамнинг жаннатга киришига бевосита сабаб бўлмасликлари.
7. Намознинг фазилати катта бўлиб, унинг жаннатга кириш учун зарур амал эканлиги.
8. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламни жаннатдаги ҳамроҳи бўлиш учун Аллоҳга яқин бўлиш керак. Кўп сажда қилиш эса Аллоҳга яқин

қиладиган аммаллардан.

9. Робийъа ибн Каъб розияллоху анхунинг фазилатлари.

10. Аллоҳга кўп сажда қилиш туфайли банданинг бир даража кўтарилиб, бир хатоси ўчирилар экан.

Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф тайёрлади